XALQ DEPUTATLARI CHILONZOR TUMAN KENGASHINING
Q A R O R I

2022 - yil 18 - aprel II-58-53-14-204-K/22 Chilonzor tuman hokimligi

Чилонзор туманида жойлашган автомототранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш хизматлар турлари учун белгиланган тўловнинг чекланган миқдорини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 24-моддасига ва Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги “Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1326-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 июлдаги “Автомототранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш жойларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 213-сонли қарор билан тасдиқланган Низомнинг 16, 25-бандларига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 31-сон, 409-модда) асосан ҳамда Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг 2021 йил 29 мартдаги 03-6/87-8-сонли тақдимномасини инобатга олиб, халқ депутатлари Чилонзор туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Чилонзор туманида автомототранспорт воситаларини сақлаш бўйича кўрсатилган хизматлар учун белгиланган тўловнинг чекланган миқдори ва Чилонзор туманида автомототранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим миқдори иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман ҳокимининг архитектура, капитал қурилиш ва коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари (А.Ахмедов) ва туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (А.Рахимов)га:

яширин фаолият юритаётган жисмоний ва юридик шахсларга тегишли автомобиль тўхташ жойлари ва ноқонуний транспорт инфратузилмаларини (автопарк, таксопарк, автомобиль тўхташ жойлари, гараж ва очиқ турдаги автомобиль сақлаш жойлари (навес) аниқлаш ва уларнинг фаолиятини қонунийлаштириш чораларини кўриш вазифаси топширилсин.

4. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Ходжиманов) ва туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (А.Рахимов)га:

бюджет даромадлари кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятни ошириш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриш;

жисмоний ва юридик шахсларга тегишли автомобиль тўхташ жойлари ва транспорт инфратузилмаларидан (автопарк, таксопарк, автомобиль тўхташ жойлари, гараж ва очиқ турдаги автомобиль сақлаш жойлари(навес) давлат бюджетига ундирилган солиқ тушумлари бўйича халқ депутатлари Чилонзор туман Кенгашига доимий равишда маълумот киритиб бориш тавсия этилсин.

5. Туман ҳокимининг Матбуот котиби–ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси (М.Боллиева):

мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер солиқлари бўйича белгиланган ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситалари ва туман ҳокимлигининг ижтимоий тармоқдаги саҳифаларида эълон қилинишини таъминласин.

6. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Чилонзор туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссия (М.Абдукадиров) ҳамда Чилонзор туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ходжиманов зиммаларига юклатилсин

7.Ушбу қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Sessiya Raisi **Yoqubovich A. O.**

Xalq deputatlari Chilonzor tuman
Kengashining
2022 yil 18 apreldagi
II-58-53-14-204-K/22-son qaroriga
1-ilova

тўловлар ставкалари сўмда

Т/Р	**Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш учун:**		
1.	енгил автомашиналар учун	20 минутгача	2 000
		40 минутгача	4 000
		1 соатгача	5 000
		2 соатгача	6 000
		3 соатгача	7 000
		4 соатгача	8 000
		4 соат ва ундан ортик вақт учун	10 000
2.	юк автомобиллари учун	20 минутгача	4 000
		40 минутгача	5 000
		1 соатгача	6 000
		2 соатгача	7 000
		3 соатгача	8 000
		4 соатгача	10 000
		4 соат ва ундан ортик вақт учун	12 000
Транспорт инфратузилмаларининг (автопарк, таксопарк, автомобиль тўхташ жойлари ва гараж)			
3.	Транспорт инфратузилмалари (автопарк, таксопарк, автомобиль тўхташ жойлари ва гараж)	1 метр квадрат учун йиллик	30 600